



Республика
болалар ижтимоий
мослашуви маркази
Самарқанд
минтақавий
филиали

**«Ҳимояга муҳтож гуруҳдаги
болалар ва уларнинг оилаларига
мажмуавий ёрдамнинг самарали
моделли – уларнинг жамиятга
ижтимоийлашувини таъминлаш
омили сифатида»**

Тошкент – 2020

Иккинчи томондан, бевосита ахборотни қабул қилиш арафасидаги огоҳлантириш қарши аргументлар ишлаб чиқиш вақтини камайтиради, ундан сал аввалроқ огоҳлантириш эса инсон миясида маълумотни қайта ишлашга имкон беради.

д) Таниш нарсалар ҳақида маълумотга эга бўлган одамни ишонтириш тезроқ амалга ошади. Лекин самарали тактикалардан бири – ахборот каналлари орқали берилаётган маълумотларни очикчасига жамият манфаатларига зид эканлиги, уларнинг адолатсиз, худбинларча узатилаётганлиги, нималаридир қонунга хилоф эканлигини қайд этиш мумкин. Яъни, тарбиячи, ўқитувчи очик тарзда ўз норозилигини баён этиши, тарғиботчи фикрига қарши эканлигини айтиши мумкин. Бу ҳолат ҳам аудиторияни ўйлашга мажбур этади.

Хуллас, мамлакатимиз Президенти халқимизни озод ва обод жамият барпо этиш ишларига қатъий азму қарор, шижоат билан киришишга даъват этмоқда. Бунинг учун эса кўпгина масалалар ечими ўзимизга боғлиқ эканлигини теран англаган ҳолда, енг шимариб, ғайрат билан ишга киришмоғимиз лозимлигини алоҳида таъкидлайди.

Адабиётлар

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълимда замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг илмий-назарий асослари. Монография. – Тошкент: Фан, 2007.
2. Ғаффорова Г. Ахборот ва ахборотлаштириш масалаларининг фалсафий-методологик муаммолари. // Фалсафа фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2008.
3. Ғуломов С.С. Ахборот тизимлари ва технологиялари. – Тошкент: Шарк, 2000.

ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ – ЁШ АВЛОДНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

- **Х.Н.Музаффарова,**
А.Қодирӣ номли ЖДПИ ўқитувчиси
- **Д.К.Жуманова,**
Логопедия йўналиши магистранти

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига бўлган эътибор олиб борилаётган ислохотларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ногиронлиги бўлган болаларнинг соғлом тенгдошлари билан таълим олишини йўлга қўйиш, яъни инклюзив таълимни жорий этиш таълим соҳасидаги янги йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида «жинси, тили, ёши, ирқий, миллий мансублиги, эътиқоди, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, хизмат тури, ижтимоий мавқеи, турар- жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар, ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланиши» баён этилган. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 20-22-23-моддаларида эса таълим олувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш (20-модда), етим болалар, ота-оналарининг ёки бошқа Қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болалар (22-модда), жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсонли бўлган болалар ва ўсмирлар (23-модда) ни ўқитиш тартиби белгилаб берилган.

Шунингдек, Республика «Таълим тўғрисида»ги Қонунининг 24- моддасида эса ижтимоий ёрдамга ва тикланишга муҳтож бўлган шахслар учун ўқув-тарбия муассасаларни ташкил этиш ва уларда муайян шароитларни яратиш тартиби кўрсатиб берилган [1].

Ўзбекистонда ўсиб келаётган авлод ҳақидаги ғамхўрликлари беқийёс. Болалар таълими, тарбияси ва ривожланиши сифатларини ошириш, борасида Республикада амалга оширилаётган ишлар ҳам ижобий хусусиятларни намоён этмоқда.

Болаларнинг таълим олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасида белгилаб қўйилган. Ушбу ҳуқуқ болаларнинг саломатлик даражасига қараб чегараланмайди.

Ҳар бир боланинг ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Конвенция, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Декларация ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жисмоний имкониятлари чекланган шахсларга таълим хизматларини кўрсатиш тизими мукамал ишлаб чиқилган.

Ҳозирги кунда Республикада алоҳида ёрдамга муҳтож болалар ва ўсмирлар таълими, уларнинг нуқсон турлари ва унинг даражаларини инобатга олган ҳолда махсус таълимнинг 8 йўналиши (ақлий заиф, руҳий ривожланиши сустлашган, нутқида, кўришида ва эшитишида нуқсон бўлган болалар) бўйича коррекцион таълим ташкил этилган. Қонунчилик томонидан муайян тоифадаги болалар учун ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртига ўқишга киришда имтиёзлар белгиланган. Миллий урф-одат ва анъаналарга кўра, ўзбек оилаларида ногирон, имконияти чекланган ҳолда туғилган фарзандларни ота-оналар қаровсиз қолдирмайдилар. Республика аҳолиси миллий менталитет, шунингдек, ҳаётий кадриятларга муносабатлари нуқтаи назардан ҳар қандай болани соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг билим олиши учун ҳаракат қилади.

Бундай ҳолатларда ижтимоий субъектлар – оила, маҳалла, таълим муассасалари, жамоатчилик, давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш муҳим аҳамиятга эга [2].

Инклюзив таълим (ингилис тилидан олинган бўлиб, инслусиве, инслусион – уйғунлаштириш, қамраб олган, қамраб олиш маъноларини билдиради) ногирон ва соғлом болалар ўртасидаги тўсиқларни (дискриминацияни) бартараф этиш, махсус таълимга муҳтож болалар (айрим сабабларга кўра ногиронлиги бўлган), ўсмирлар ривожланишида учрайдиган нуқсонлар ёки иқтисодий кийинчиликлардан қатъи назар ижтимоий ҳаётга мослаштиришга йўналтирилган умутаълим жараёнига қўшишни ифодаловчи таълим тизимидир. Инклюзив таълимнинг сиёсати турли хил эҳтиёжли болаларнинг таълим олишини қўллаб-қувватлаш ҳамда яхши ҳаёт қуришига имкон яратади.

Инклюзив таълим умумтаълим жараёнини ривожлантиради ва барча болаларга мос бўлган таълимни жорий қилади. Имконияти чекланган болалар таълим олишга оид қўшимча мосламаларни ташкил қилиб, ногирон болаларнинг таълим олишига қулай шароит яратади. Инклюзив таълим турли хил эҳтиёжли болаларнинг таълим олишига қаратилган методологияни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Инклюзив таълим турли эҳтиёжларни қондиришга қаратилган ўзига хос турдаги дарс беришга ёндашадиган таълим турини амалга оширади.

1990 йилдан буён махсус эҳтиёжли болаларни умумтаълим муассасалари тизимида ўқитиш борасида жаҳон миқёсида кўплаб декларациялар ва қарорлар қабул қилинди. Уларни жаҳоннинг кўплаб давлатлари эътироф этдилар. Аммо бугунги кунга қадар уларни ҳаётга жорий қилиш борасида кўплаб муаммолар мавжуд. Баъзи давлатларда эса умумий таълим борасида қонун ёки қарорлар қабул қилинганда ногирон болаларнинг таълим масаласи четда қолмоқда. Инклюзив таълимни тан олиш фақатгина қонун чиқаришдан иборат эмас. Инклюзив таълимни эътироф этган ҳолда, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларни олиб бориш энг биринчи галдаги масаладир.

Инклюзив таълим умумтаълим жараёнини ривожлантиради ва барча болаларга мос бўлган таълимни жорий қилади. Имконияти чекланган болалар таълим олишга оид қўшимча мосламаларни ташкил қилиб, ногиронлиги бўлган болаларнинг таълим олишига қулай шароит яратади. Инклюзив таълим турли хил эҳтиёжли болаларнинг таълим олишига қаратилган методологияни ривожлантиришга ҳаракат қилади.

Инклюзив таълим мактаблари болаларнинг билим олиш учун шахсий ҳуқуқларини ҳимоялайди. Бундай ёндашув дискриминацияни бартараф этишга қаратилган, чунки болалар бир-бирлари билан мулоқот қилиш, ўқиш жараёнида ўзларининг турли эҳтиёжларига эга индивидуум эканликларини англайди.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонуни /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ, 1997.
2. Шомахмудова Р. Махсус ва инклюзив таълим (Халқаро ва миллий тажрибалар). – Т., 2012. 19-25 б.